

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭЛЧИЕВА ДИНАРА ТОЛУБАЕВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БИЛИМЛАРГА
ҚИЗИҚИШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН ДИДАКТИК
ИМКОНияТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Элчиева Динара Толубаевна

Бошланғич синф ўқувчиларининг билимларга қизиқишини шакллантириш
учун дидактик имкониятларини такомиллаштириш 3

Элчиева Динара Толубаевна

Совершенствование дидактических возможностей формирования интереса к
познанию у учащихся начальных классов 21

Elchieva Dinara Tolubaevna

Improving didactic opportunities for the formation of interest in learning among
primary school students..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭЛЧИЕВА ДИНАРА ТОЛУБАЕВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БИЛИМЛАРГА
ҚИЗИҚИШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН ДИДАКТИК
ИМКОНияТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.Phd/Ped1784 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибраимов Холбой Ибраимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Хасанова Кибриё Хасановна
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.М.Махмудова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, уринбосари
педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Н.С.Шодиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари жумладан, АҚШ, Германия, Франция ва Англия каби мамлакатлар таълим тизимида дидактик имкониятларни такомиллаштириш орқали субъектларининг билишга қизиқишни шакллантириш тажрибаси ҳозирда кенг қўлланилмоқда. Бошланғич синфларнинг таълим тизимида дидактик имкониятларни яратиш орқали ўқувчиларни билимга қизиқишини ошириш асосан, алоҳида фанлар чуқур ўрганиладиган махсус ўқув даргоҳларида ўқитилиб уларнинг вазифаси ушбу йўналишда юқори самарадорликка эришишга қаратилган. Бу, ўз навбатида, халқаро ташкилотлар ва дунёнинг аксарият давлатлари томонидан 2030-йилга қадар “Билимларнинг мустаҳкам пойдевориغا эга бўлиш, танқидий фикрлашни ривожлантириш, кўникма ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш” концепсиясининг асоси эканлиги халқаро таълим тизимларида ўз ифодасини топмоқда.

Бугунги кунда дидактик имкониятларни мақсадли ўрганишнинг дидактик-психологик шарт-шароитлари ва усулларини аниқлаш, таълимнинг ривожланиш жараёни билан боғлиқлигини дидактик тадқиқ этиш, бошланғич таълимнинг назарий-методик жиҳатларини такомиллаштириш, ўқув-услубий жараёнларнинг назарий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш, шунингдек, ўқувчиларнинг асосий ва билим компетенцияларини ривожлантиришда инновацион усуллардан фойдаланиш ҳамда бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга қизиқишини такомиллаштириш каби йўналишларда салмоқли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантирадиган, дидактик қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган педагогик жараёнлар моделини яратиш, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг махсус дидактик билимларга бўлган қизиқишини кенгайтиришга хизмат қилишини кўрсатмоқда. Зеро, бугунги кунда ёш ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини шакллантириш ва ушбу жараённи баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш муаммолари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда “Бошланғич таълим концепсияси”га алоҳида эътибор қаратилиб, бошланғич таълим учун ўқув режалари ва ўқув-услубий мажмуаларида ўқувчиларда билимга қизиқишни шакллантириш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг 2022-2026йилларга мўлжалланган устувор йўналишларида етти устувор йўналиш белгилаб берилган бўлиб, улардан бири маънавийтни юксалтиришга қаратилган. Шунингдек, ушбу соҳани ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш эса ёш авлоднинг саводхонлик даражасини ошириш, таълим ва тарбиясини мустаҳкамлашга боғлиқ эканлиги алоҳида эътироф этилган. Мазкур жараён тадқиқот талаб этадиган ва таҳлилий йўналишларга асосланган дидактик тизим сифатида ҳисобга олиниб, билимга қизиқишнинг шакллантирилишига қаратилган дидактик имкониятларни таснифлаш билан бир қаторда

бошланғич синфларда билимга қизиқишни шакллантирадиган машғулотларнинг турли босқичларини ташкил этиш технологияларини тақомиллаштириш каби илмий тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида” Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 15-мартдаги 140-сон “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори, 2017-йил 6-апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг билишга бўлган қизиқишини шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантириш муаммоларини ўрганиш бўйича Б.Адизов, Г.Жумашева, Р.Ибрагимов, М.Махмудов, М.Махмудова, Т.Махмутов, У.Мусаев, Г.Наймиддинова, Р.Нурджанова, О.Розиқов, Р.Сафарова, Н.Шодиев каби турли соҳа олимлари томонидан ўрганилиб, илмий-методологик асослар ишлаб чиқилган бўлса, билиш фаолиятнинг психологик асослари бўйича М.Г.Давлетшин, З.Қурбониезова, Р.Ю.Тошимов ва Э.Ғозиев каби олимлар салмоқли тадқиқотлар олиб борганлар. Маънавий-маърифий тарбиянинг фалсафий жиҳатлари турли йўналишдаги олимлар томонидан ўрганиб ва илмий-услубий асослар ишлаб чиқилган У.Алеуов, Ж.Базарбоев, Т.Жиемуратов, А.Пазилов, Б.Султонмуратов, Р.Сейтимбетова, А.Тилегенова, Ж.Урумбоева, Т.Утебоева.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги педагог олимлари ва психологларидан А.С.Белкин, Л.С.Выготский, В.Глассер, В.В.Давыдов, М.Каган, В.Кан-Калик, А.Н.Леонтьев, В.А.Сластенин, А.Сухомлинский, С.А.Смирнов, И.Ф.Харламов, Г.А.Цукерман каби олимлар ҳам кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида билишга қизиқишни шакллантириш ва билим олиш фаоллигини ривожлантиришга доир илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Жаҳон психологлари, файласуфлари ва социологларида, А.Амутио (А.Амутио), К.Ане-Катриен (К.Ане-Катриен), Е.Верворт (Э.Верворт), М.А.Винзер (М.А.Винзер), Л.Гонзалес, Э.Гидденс, В.Дэвис (Б.Дэвис), А.Дистервег, Я.Коменский, Л.Жантин (Л.Джантин), А.Т.Коллинз (А.Т.Коллинз), А.Маслоу, Л.А.Наборс (Л.А.Наборс), Я.Пиже, И.Песталоцци, Р.О.Рен’е

(P.O.Ренъе), L.Rosen (Л.Розен), Ж-Ж.Руссо, R.Sears (Р.Сирс), Spilt (Спилт), C.Franco (К.Франко), A.Hargreaves (А.Харгривз) каби олимлар ҳам кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантирувчи ҳамда билишга бўлган қизиқишни шакллантирувчи махсус дидактик жараёнлар, усуллар ва дидактик имкониятлар борасида махсус илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институтининг БВП-1-001. “Вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлашда соҳалараро ёндашувнинг илмий-услубий асосларини яратиш” (2017-2020 йй.) илмий-тадқиқот ишлари режасининг мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида билимларга қизиқишини шакллантириш учун дидактик имкониятларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

мавжуд назарий манбалар, ўқув дастурлари, дарсликлар асосида машғулотнинг турли босқичларида дидактик имкониятлардан фойдаланиш орқали бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантиришнинг ижтимоий-дидактик заруратлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

бошланғич синф ўқувчилари орасида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган дидактик имкониятларни назарий жиҳатдан аниқлаш ва асослаш;

бошланғич синф ўқувчилари орасида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган машғулотларнинг турли босқичларида қўлланиладиган дидактик имкониятларни ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган дидактик имкониятлардан фойдаланиш шартларини аниқлаш ва уларнинг самарадорлилик даражасини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дидактик имкониятларни такомиллаштириш асосида бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган педагогик жараёнлар белгилаб олинган. Тажриба-синов ишларига Сирдарё вилояти, Оқолтин туманидаги №1-сонли умумтаълим мактаби, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги №17-сонли умумтаълим мактаби ҳамда Навоий вилояти Навоий шаҳридаги №1-сонли умумтаълим мактабларидан 448 нафар респондент-ўқувчилар жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предметини бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган дидактик имкониятлардан фойдаланишнинг дидактик шартлари, шакллари, воситалари ва усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда аналитик таҳлил, кузатиш, суҳбат, оғзаки сўров ва анкета, савол-жавоб, таҳлилий шарҳ, педагогик прогноз, педагогик диагностика, педагогик эксперимент, математик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг билишга бўлган қизиқишини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари, машғулотнинг турли босқичларида дидактик имкониятларни такомиллаштириш асосида бошланғич синф ўқувчиларида билишга бўлган қизиқишни шакллантиришда ўқитувчининг индивидуал ёндашуви аниқланган;

бошланғич синф ўқувчиларининг билимларига қизиқишни шакллантиришнинг усуллари (янгиликларни қабул қилишга ўргатиш, мантиқий фикрлашни ривожлантириш, машғулотнинг турли босқичларида ижодий, мустақил ишларни ташкил этиш) билишга оид махсус дидактик жараёнларда такомиллаштирилган;

кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида билим олишга қизиқишни шакллантирадиган асосий компетенцияларни (коммуникатив, информацион иш, ўз-ўзини ривожлантириш ва миллий-маданий компетенцияни) шакллантириш асосида “Машғулотларнинг турли босқичларини ташкил этишга қаратилган дидактик жараён модели” такомиллаштирилган.

бошланғич синф ўқувчиларининг билимга қизиқишини шакллантирадиган машғулотларини ташкил этишнинг дидактик имкониятларини (дидактик хусусиятлар, амалга ошириш босқичлари, технологиялари) аниқлаш асосида машғулот босқичларини танлаш, тизимлаштириш ва лойиҳалаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган дидактик имкониятлардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, ижтимоий дидактик заруратдан келиб чиққан ҳолда назарий манбалар, ўқув дастурлари, дарсликлар асосида таҳлил қилинган;

бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган дидактик имкониятлар аниқланиб, таснифланган ва дидактик имкониятлардан фойдаланиш шартлари белгиланган;

“Бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантирувчи машғулотларини ташкил этишнинг дидактик имкониятлари” номли ўқув-методик қўлланмаси ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга қизиқишни шакллантиришга қаратилган дидактик ва психологик имкониятлар аниқланиб, педагогик амалиётга жорий этилган;

бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган дидактик имкониятлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар, шунингдек, машғулотларни танлаш, тизимлаштириш ва лойиҳалаш асосида махсус семинарлар, тренинглар “Ўқув лойиҳалари” мажмуасини яратиш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда фойдаланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар муаммога расмий манбалардан олинган фалсафий, психологик ва педагогик ёндашувлар билан изоҳланганлиги, шунингдек, ишнинг асосий

ғоялари илмий мақолалар сифатида республика ва халқаро илмий конференциялар тўпламларида, ОАК томонидан эътироф этилган илмий илмий ва хорижий журналларда чоп этилганлиги, нашр этилган монография ва илмий рисоалардаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари самарадорлигининг математик ва статистик усуллар билан исботланганлиги ва олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ваколатли, ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти билимга қизиқишни шакллантиришга қаратилган ўзига хос дидактик имкониятлар тизимини аниқлаштириш билан белгиланади. Бундан ташқари, бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга қизиқишни шакллантирадиган машғулотларни ташкил этишга қаратилган дидактик жараёнларнинг таклиф этилаётган модели ва унинг психологик-педагогик асослари амалиётга жорий этилиб, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, педагогика назарияси курси бошланғич синф ўқувчиларида билишга қизиқишни шакллантиришга қаратилган дидактик имкониятлардан фойдаланиш технологиялари билан бойитилган.

Мазкур усул ва усуллардан фойдаланиш бошланғич таълим йўналишидаги ўқувчилар, ўқитувчилар, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчилари ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларининг иш тажрибасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларининг билимларга қизиқишини шакллантириш учун дидактик имкониятларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини ижтимоийлаштиришда креатив ёндашувни татбиқ этиш орқали ўсмирлар ижодини шакллантиришнинг педагогик асослари (мақсадли йўналтириш, маданият билан тўлдирилган муҳит мазмуни, фаолият технологияси ва механизмлари, мезон ва кўрсаткичлар) шахс маданий шаклланишининг асосий механизмига оид таклифлар Тошкент давлат педагогика университетининг ЁА-1-22 рақамли “Фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг модернизациялашган тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 21 июлдаги 02-07-1940/04-сон маълумотномаси). Натижада 5-6 синф ўқувчиларини ижтимоийлаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш имкони оширилган;

ўқувчиларни ижодкорлика йўналтириш ва маданий-инновацион фаолият, креатив таълим ва шахслараро мулоқот, маданият ва технологияларни уйғунлаштириш орқали умумий ўрта таълим мактаби ва умумий ўрта таълим мактабидан ташқари ҳамда ўқув-тарбиявий ишлар тизими такомиллаштиришга оид тавсиялар Тошкент давлат педагогика

университетининг ПЗ-20140906164153 рақамли “Илмий педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 21 июлдаги 02-07-1940/04-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларнинг шахсий, ижодий шакллантириш ва ижтимоийлаштиришнинг ўқув тизимини такомиллаштиришга шароит яратилган;

ўқувчиларни ижтимоийлаштиришда интегративлик, мақсад, мазмун, технологик ва педагогик позицияларнинг бирлигига асосланиш орқали ўқувчилар ижодини ривожлантириш тизимида оид таклифлар Тошкент давлат педагогика университетининг ЁА-1-22 рақамли “Фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг модернизациялашган тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 21 июлдаги 02-07-1940/04-сон маълумотномаси). Натижада умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини ижтимоийлаштиришга қаратилган маданий-маърифий муҳитни яратиш имкони оширилган;

замонавий ўсмирларнинг ижодий потенциалини шакллантириш учун шарт-шароитлар сифатида ўқувчиларнинг маданий фаолиятини ташкил этишга ва ўқитувчиларни ушбу жараёнга (ташкилий, мотивацион, ижтимоий-педагогик, технологик) тайёрлашга ёрдам берадиган маданий-маърифий муҳитни яратиш учун психологик ҳамда педагогик шарт-шароитларга оид таклифлар Тошкент давлат педагогика университетининг ПЗ-20140906164153 рақамли “Илмий педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 21 июлдаги 02-07-1940/04-сон маълумотномаси). Натижада керактив ёндашув асосида ўқувчиларнинг шахсий ва ижодий ресурсларини шакллантириш жараёнининг муваффақиятини белгиловчи мезон ва кўрсаткичларни асослашга шароит яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (хусусан, 3 та республика, 3 та хорижий индексацияланган журналларда ҳамда 3 та хорижий анжуманларда) илмий мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти билан боғлиқ маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Бошланғич синф ўқувчиларида билишга қизиқишни шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари**” деб номланган бўлиб, мазкур бобда бошланғич синф ўқувчиларида билишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган дидактик имкониятлардан фойдаланишнинг педагогик шартлари, ўқувчиларда билимга қизиқишни шакллантиришнинг психологик ва дидактик хусусиятлари ёритилган. Зеро, бошланғич синф ўқувчиларининг машғулотларнинг турли босқичларда билишга бўлган қизиқишини ошириш, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали билимга қизиқишни шакллантиришга замин яратади.

Ўқитувчи ва психологлар томонидан таълим-тарбия муаммоларининг ўрганилиши ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг билимга қизиқишини шакллантиришга оид адабиётларни таҳлил қилиниши асносида ўқув жараёнида ўқувчилар билимини комплекс ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Мазкур тадқиқотлар ўқувчиларнинг билимга қизиқишларини шакллантиришнинг самарали усулларини тадқиқ этишга асосланган. Ўз-ўзини ҳурмат қилиш ҳар бир инсоннинг аналитик фазилатидир. Мазкур фазилат мазмунини таҳлил этиш асносида биз ўқувчилар таянадиган тенденциялар, кадриятлар ва ўзига хос қонун-қоидалар мавжуд эканлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ушбу ҳаракатлар ўқувчиларнинг қизғин фаоллиги орқали намоён бўлиб борадиган жараёндир. Тадқиқотда ўқувчиларнинг билим олиш фаолияти жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар уларнинг кайфиятига маълум даражада таъсир қилиши ҳам исботланган.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув жараёни ва билиш фаолиятини ташкил этар экан, уларни қандай тўғри ташкиллаштириш кераклиги хусусида ўзига-ўзи савол бермоғи лозим. Шундай экан, ўқитувчи билим олишга қизиқишни шакллантиришдан олдин биринчи навбатда фаолият соҳалари ва йўналишларини алоҳида ажратиб олиши керак.

Тадқиқот жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган, дидактик имкониятлар аниқланиб назарий жиҳатдан асосланган. Бошланғич синф ўқувчиларида билишга бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган дидактик имкониятларни машғулотларнинг турли босқичларида қўллаб, бошланғич

синф ўқувчиларида билим олишга бўлган қизиқишни шакллантириш шартлари аниқланган ва уларнинг самарадорлик даражаси кўрсатилган.

Мазкур вазифаларнинг бажарилиши натижасида ўқувчиларнинг фаолияти ижтимоий баҳоланади. Бошланғич таълим тизимида ўқувчилар ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларнинг янги босқичига ўтадилар. Улар учун ўз тенгдошлари ва уларни қуршаб турган атроф муҳит алоҳида аҳамиятга эга бўла бошлайди. Шунингдек, 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган ўқувчилар учун ўқув фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу муҳим ўзгаришлар уларнинг руҳияти ва ривожланишида алоҳида роль ўйнай бошлайди.

Ўқувчиларнинг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиладиган ва бошланғич таълим ёшидаги ўқувчилар учун энг муҳим саналган ютуқларни акс эттирувчи янги ўқув машғулоти, психологик жиҳатдан янги шаклланаётган ўқувчиларнинг бошланғич таълимдан кейинги босқичлардаги билишга бўлган қизиқишларнинг ҳам самарали ривожланишини таъминлайди. Ўқувчиларнинг билим қобилияти ва ўрганишга бўлган қизиқиши иккинчи синфда биринчи синфдагига нисбатан аста-секин пасайиб боради. Бу уларнинг ўқиш ва ўрганишга бўлган қизиқишининг пасайиши билан боғлиқдир. Чунки, ўқувчилар аста-секин маълум ижтимоий мақомга эга бўладилар. Бунинг олдини олиш учун ўқув жараёнига инновацион ёндашув асосида ўқувчи учун муҳим бўлган шахсий кўникмаларни яратиш лозим. Ўқувчиларнинг ривожланишида билиш фаолияти ва ўрганишга бўлган қизиқишнинг етакчи роли уларни бошқа фаолиятга жалб қилишни инкор этмайди.

Ўқувчиларда билишга бўлган қизиқишни шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтириш жараёнини таҳлил қилиш, ушбу жараённинг бир қатор йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Шу жумладан:

- ўқувчиларни таълим жараёнининг субъектлари сифатида шакллантириш;
- ўқув жараёнини мулоқот асосида ташкил этиш;
- таълим жараёнида шахсга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш;
- таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш;
- ўқув материаллар мазмунининг аҳамияти ва қимматини кўрсатиш;
- фанлар ўртасида ва бир хил ўқув материаллари доирасида алоқаларни ўрнатиш;
- ўқувчиларни мунтазам машғулотларга жалб қилиш;
- муаммоли ва ҳамкорликда ўқитиш усулларида самарали фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг мустақил ишлари кўламини кенгайтириш;
- оптимизм (келажакка ишонч) асосида синфда ижобий муҳит яратиш;
- ўқувчиларнинг муваффақиятини таъминлайдиган дидактик муҳитни яратиш;
- ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида оптимизмга (келажакка ишончга) асосланган педагогик соғлом муҳитни яратиш;

- ўқитувчининг ўқувчиларнинг билим қобилиятларига бўлган ишончини ошириш каби жиҳатлар шулар жумласидандир.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини шакллантириш ва билим олиш фаоллигини ривожлантириш жараёнини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ўқув машғулотининг муайян босқичларида бир қатор йўналишларга таяниш лозим. Жумладан ушбу соҳаларга қуйидагилар киради: ўқувчиларни таълим жараёнининг субъектлари сифатида шакллантириш; ўқув жараёнини мулоқот асосида ташкил этиш; таълим жараёнида шахсга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш; таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш (дифференциация қилиш); ўқув материали мазмунининг аҳамияти ва қийматини кўрсатиш; фанлар ўртасида ва бир хил ўқув материаллари доирасида алоқаларни мустаҳкамлаш; ўқувчиларни доимий фаолиятга жалб қилиш; муаммоли ва ҳамкорликда ўқитиш усулларида самарали фойдаланиш; ўқувчиларнинг мустақил ишлари кўламини кенгайтириш; синфда оптимизмга (келажакка ишончга) асосланган ижобий муҳитни яратиш; ўқувчиларнинг муваффақиятини таъминлайдиган дидактик муҳитни яратиш; ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида оптимизмга асосланган соғлом педагогик муҳитни яратиш; ўқитувчининг ўқувчиларнинг билим қобилиятларига бўлган ишончини ошириш каби жиҳатлардир.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларида билишга қизиқишни шакллантириш бўйича машғулот босқичларининг дидактик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида билимга бўлган қизиқишни шакллантириш жараёнининг усуллари, билимга бўлган қизиқишни шакллантириш йўллариининг мазмун моҳияти ёритилган.

Ўқув жараёни ўз-ўзидан ўқувчиларнинг ўрганишга бўлган қизиқишни шакллантирмайди ва ўқувчининг билиш фаоллигини ўз-ўзидан ривожлантирмайди. Ўқув жараёни фаол шаклга эга бўлсагина, ўзига хос мазмунга эга бўлди ва бу мазмун ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланса, уларда ўқишга қизиқишни шакллантириш ва билиш фаоллигини ривожлантиришга имконини беради. Ўқувчининг машғулотда иштироки ва ақлий ривожланиши орасида унинг фаоллиги намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, машғулот жараёнида маълум ўқув материаллари ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини ва билишга оид фаолиятини амалга ошириш учун хизмат қилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, таълим фаолиятини таълим жараёни билан солиштириш орқали аниқлаб бўлмайди. Ўқувчи дарсда қатнашиши мумкин, лекин ўқув фаолиятига чуқур кириб бора олмаслиги ҳам мумкин. Ўқув фаолияти ўқувчиларнинг ягона коммуникатив ва интеллектуал бирлигига асосланган ва аниқ ташкил этилган жараёндир. Ўқув фаолияти субъектлари ўқитувчи ва ўқувчилар гуруҳидир. Ўқув фаолиятининг моҳияти ва ривожланувчи хусусиятлари ўқувчиларнинг ўз позициясини мустақил равишда белгилашида намоён бўлади. Ўқув жараёни иштирокчилардан ўз позицияларини аниқлашни талаб этади. Шунингдек, иштирокчилар учун

саволларга жавоб бериш биринчи навбатдаги аҳамиятга молик ҳолат бўлиб, ўқув фаолиятида ўқувчиларнинг ўзини ўзи баҳолаши муҳим аҳамиятга эгадир.

Илмий-педагогик таҳлил ва эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, синфда ўқувчиларда билим олишга қизиқиш тўлиқ намоён бўлмайди. Тадқиқот жараёнида биз кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билишга қизиқишини шакллантиришни синфда машғулотда кузатиш, тажрибалар жарёнида, дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари билан ишлашда, шунингдек, дарсларни тизимли ташкил этиш орқали аниқладик. Агарда ўқувчиларнинг ўқув фаолияти манбалари бир-биридан ажратилса улар мавжуд бўлмайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув материалларининг мазмуни ва тузилиши когнитив фаолиятнинг кўп қирраларини жадаллаштириш учун қулай шарт-шароитларни яратади.

Шунинг учун ҳам тадқиқот жараёнида билишга доир фаолиятнинг хусусиятлари ажратиб олинган. Улар 1-жадвалда акс эттирилган.

1-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларининг билишга доир фаолиятининг аниқ манбаларига асосланган кўрсаткичлар

Муайян манбалар бўйича билишга доир фаолият шакллари	Билишга доир фаолият манбалари
Кузатишлар	Ташқи белгилар, хусусиятлар, натижалар
Тажрибалар	Табиатдаги мавжуд объектларининг қонуниятлари, етакчи белгилари, уларга нисбатан биргаликдаги ҳаракатлар ва олинган натижалар
Дарслик ва ўқув адабиётлари билан ишлаш	Дарслик ва бошқа ўқув адабиётларида тизимлаштирилган, изчил маълумотлар
Билимларни изчил тизимлаштириш	Муайян тизимдаги ўзаро таъсир
Билишга доир муаммоларни ҳал қилиш	Билишга доир маълумотларнинг хилма-хиллиги

Тадқиқот доирасида бошланғич синф ўқувчиларининг билишга қизиқишини шакллантирадиган ва билишга доир фаолиятини ривожлантирувчи ўқув вазифаларини яратишга қаратилган дидактик жараённинг модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).


Модел қуйидаги хусусиятларни акс эттирди: асосий компетенцияларни шакллантириш босқичи, дарс босқичларида ўқув вазифаларини амалга ошириш босқичи, йўналишларни шакллантириш босқичи, ташкилий босқич, натижаларга асосланган босқич, шунингдек ўқув вазифаларида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини баҳолаш учун берилган мезон ва кўрсаткичлардан иборат.

Йўналишларни шакллантириш босқичининг мақсади - ўқитувчи томонидан қийинчиликларни енгиш, ўзини ижодий муҳитда ҳис қилиш, муваффақиятга интилиш бўйича вазифаларни кўйишдир.

Ташкилий босқичнинг мақсади ўқувчиларга уларнинг индивидуал қобилиятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда танланган ўқув вазифаларини беришдир.

Натижага асосланган босқичда ўқитувчига ишни шундай ташкил этиш вазифаси қўйиладики, олдинги фаолият натижаларига таяниш кейинги


таълим вазифасини бажариш учун ҳиссий йўналтирилган онгли эҳтиёжни юзага келтиради.



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг билимларига қизиқишни шакллантирадиган ўқув машғулотлари дидактик жараёнларнинг модели

Ушбу модел кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишини шакллантириш ва когнитив фаоллигини ошириш учун дидактик имкониятларни такомиллаштиришни таъминлайди.

Билишга бўлган қизиқишни шакллантирадиган ва кичик ёшдаги ўқувчиларнинг когнитив фаолиятини ривожлантирадиган ўқув вазифаларини ташкил этишга қаратилган дидактик жараён моделига асосланиб, биз қуйидаги дидактик тизимни тақдим этамиз (2-расмга қаранг).



2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида билимга қизиқишни шакллантиришга қаратилган ўқув вазифаларининг дидактик тизими

Ўқувчиларнинг билишга қизиқишини шакллантирадиган ва билиш фаолиятини ривожлантирувчи ўқув вазифалари лойиҳаси мақсадли, мазмунли, ташкилий, таҳлилий ва ташхислаш каби қисмларни ўз ичига олади. Чунки, бу қисмлар бир-бири билан узвий боғланган.

Ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантириш уларнинг ақлий фаолиятини ривожлантиришни таъминлайди. Ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил этиш учун уларга мустақил равишда ўз ишида ўзлаштирган билимлар, қоидалар ва андозалардан фойдаланиш жараёнини кўрсатиб бермоқ лозим.

Диссертациянинг “Бошланғич синф ўқувчиларида билишга бўлган қизиқишни уйғотишга қаратилган дидактик имкониятларнинг самарадорлик даражаси” деб номлангани учинчи бобида экспериментал-педагогик ишларни ташкил этиш, уларнинг мазмуни, тажриба-педагогик иши натижаларининг математик ва статистик таҳлили шунингдек тажриба ва педагогик ишларнинг самарадорлик даражаси ёритилган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг билишга бўлган қизиқишини шакллантириш бўйича экспериментал тадқиқот уч босқични ўз ичига олади: биринчи босқич - аниқлаш босқичи (2019-2020 ўқув йили), иккинчи босқич - шакллантириш босқичи (2020-2021 ўқув йили), учинчи босқич умумлаштириш босқичи (2021-2022 ўқув йили).

Тажриба-синов ишлари Сирдарё вилояти, Оқолтин туманидаги №1-сонли умумтаълим мактаби, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги Навоий №17-сонли умумтаълим мактаби ҳамда Навоий вилояти Навоий шаҳридаги №1-сонли умумтаълим мактабларида ўтказилди.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билиш ва билиш фаолиятини ривожлантиришга қизиқтириш, ўқув вазифаларининг аҳамиятини аниқлаш мақсадида бошланғич синф ўқитувчилари ва ўқувчилари ўртасида икки босқичли анкета сўровномалари ўтказилди.

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ўйин вазияти анъанавий ўқув жараёнларида ҳам алоҳида имкониятларга эгадир. Бу, айниқса, амалий машғулотлар пайтида тўғри келади. Ўйинлар ўқувчиларни ўқув материални ўзлаштириш жараёнида фаолликка ундайди. Чунки, ўйин бошланғич синф ўқувчилари учун жозибали ва қизиқарлидир.

Йўналиш ва қизиқишларни яратиш усуллариغا билимларга оид муҳокамалар усули ҳам киради. У ўз ичига ўқув тарбиявий баҳс мунозаралар ва суҳбатларни қамраб олади. Айнан ушбу жараёнларни жорий этиш орқали ўқувчиларда фанга доимий қизиқиш уйғотиш мумкин. Ўқувчиларни мунозарали вазиятга жалб этиш уларнинг билимини чуқурлаштириши билан бир қаторда, шу асосда ўқишга алоҳида қизиқиш уйғотиши ҳам асосланган.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ўқувчиларнинг билишга қизиқиши ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у таълим жараёни субъектларини меҳнатга ундайдиган кўникма ва эҳтиёжлар ёрдамида юзага келади.


Педагогик экспериментал ишлар маълумотларини таққослаш тажриба гуруҳлари натижаларининг самарадорлигини кўрсатди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларининг билимларига қизиқишни шакллантиришга қаратилган ўқув вазифаларининг самарадорлигини аниқлаш даражасининг экспериментал (тажриба) кўрсаткичлари

	Ўқувчилар миқдори	Ўзлаштириш даражаси		
		юқори	ўртача	қисқа
Экспериментал гуруҳ	448	87	178	183
Бошқарув гуруҳ	435	92	180	163

Биз математик статистик таҳлил учун ўртача умумий балл олдик. Тажриба якунига кўра назорат ва экспериментал гуруҳларнинг умумий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.



3-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг билишига бўлган қизиқишни шакллантиришга қаратилган ўқув вазифалари самарадорлигини аниқлаш даражасининг экспериментал кўрсаткичлари

Олинган маълумотларга кўра, ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан каттарокдир. Билим даражасини баҳолаш мезони эса нолдан катта. Бу ўз навбатида, экспериментал гуруҳларнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳларига қараганда юқори эканлигини ва экспериментал гуруҳлардаги ўртача балл назорат гуруҳларига қараганда юқори эканлигини кўрсатади. Бунда, ўтказилган тадқиқотлар самарадорлиги исботланган.

Ўқув жараёнига ҳам “билим олишга қизиқишни шакллантиришнинг дидактик имкониятларини такомиллаштириш” бўйича таклиф ва тавсиялар киритилган бўлиб, бу эса бошланғич синф ўқувчиларининг билим савиясининг сезиларли даражада ўсишига олиб келади ва тадқиқот натижаларининг самарадорлигини тасдиқлайди.

Бошланғич синф ўқувчиларида билишга бўлган қизиқишни шакллантиришнинг дидактик имкониятларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тажриба ва тажриба-синов ишлари натижалари шунини кўрсатдики, бошланғич синф ўқувчиларининг билишга қизиқишини изчил шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантириш мақсадида мақсадли ташкил этилган ўқув вазифалари алоҳида педагогик аҳамият касб этади.

2. Ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини самарали шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантиришнинг, муаммоли вазифаларни ташкил этиш учун улар олдида муаммоли савол ва вазифаларни қўйиш зарур.

3. Тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили натижасида аниқланган самарадорлик даражаси тадқиқот гипотезасининг тўғрилигига асосланиб, тадқиқот якунида белгиланган мақсадга эришишга қаратилган илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

4. Ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини тизимли шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантириш учун бошланғич синф ўқитувчиларининг билим ва тажрибаларини узлуксиз ривожлантириш зарур.

ХУЛОСА

Диссертация бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билиш фаолиятининг таркибий қисмлари бўлган ҳиссий, ақлий фаоллик, тасаввурни шакллантириш, ҳодиса ва фактларни назарий тушуниш каби тушунчалар, ўқувчиларнинг ривожланишига имкон берувчи ҳодисаларни идрок этиш даражасида намоён бўлади.

2. Ўқувчиларнинг ақлий фаолияти усуллари ўзлаштиришга қаратилган билиш фаолияти тафаккур ва тадқиқот доирасида муайян услубий воситаларни ишлаб чиқишни тақоззо этди. Замонавий психологик-педагогик ёндашувларда ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқиши ва билиш фаолияти дидактиканинг асосий мазмуни сифатида эътироф этилади.

3. Ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини шакллантириш ва билиш фаолиятини ташкил этиш тушунчаси деганда ҳам ўқувчи ва ҳам ўқитувчи фаолиятининг ривожланган (эволюцион) тизими тушунилади. Ушбу тизим дидактик шароитларни таъминлаш қобилиятига эга бўлиб, таълим вазифаларини бажариш ва ушбу жараёни мақсадли бошқаришни назарда тутди. Индивидуал ёндашувли таълим шароитида ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантириш имкониятлари таълим жараёнида янги услубий воситалар ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланишни талаб этади.

4. Ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишини шакллантириш, билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув вазифаларининг маълум тамойиллар асосида танлаб олиниб, уларнинг интеллектуал ривожланишига йўналтирилган. Бундай вазиятларда объект-субъект муносабатлари устунлик қилиб, ўқитувчи ўқувчиларни мустақил равишда, гуруҳлар орқали машғулотларни бажаришга йўналтирилади. Шу билан бирга, билишга қизиқишни шакллантириш ва ўқувчиларнинг билим фаоллигини ривожлантириш турли нуқтаи назарларни таққослашга асосланган бўлиши керак. Шунингдек, ўқувчиларнинг ижтимоий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг танқидий тафаккурини ривожлантиришга муқобил эътибор қаратилиш лозим.

5. Ушбу жараёни амалга оширишнинг муҳим шarti ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини шакллантирадиган ва билиш фаолиятини ривожлантирувчи ўқув вазифаларини лойиҳалашдир. Ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини шакллантирадиган ва билиш фаолиятини ривожлантирувчи ўқув вазифалари лойиҳаси мақсадли, мазмунли, ташкилий, таҳлилий ва диагностик қисмларни ўз ичига олади. Бу қисмлар бир-бири билан узвий боғлиқдир.

6. Ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантириш уларнинг ақлий фаолиятини ривожлантириш демакдир. Бу мустақил билиш фаолиятини ташкил этишда ўқувчилар мустақил ўз фаолиятларида ўзлаштирган билимлар, қоидалар ва нусхалардан фойдаланиши жараёнини ташкил этишни тақоззо этади.

7. Тажриба-синов ишлари натижалари шуни кўрсатдики, бошланғич синф ўқувчиларининг билишга бўлган қизиқишини изчил шакллантириш ва

билиш фаолиятини ривожлантириш мақсадида мақсадли равишда ташкил этилган ўқув вазифалари алоҳида педагогик аҳамиятга эгадир. Ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини самарали шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантириш, муаммоли топшириқларни ташкил этиш учун уларнинг олдига муаммоли савол ва топшириқларни қўйиш лозим.

8. Тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили натижасида аниқланган самарадорлик даражаси тадқиқот гипотезасининг тўғрилигини асослаш ва тадқиқотимизни яқунлашга қаратилган илмий-услубий тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

9. Ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини тизимли равишда шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантириш учун бошланғич синф ўқитувчиларининг дидактик имкониятларини, билим ва тажрибасини ана шу мақсад йўлида доимий равишда ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

10. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-услубий материалларини тизимлаштириш ва ташкил этиш асосида бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим-тарбия жараёнларни ташкил этиш бўйича билим ва кўникмаларини бойитиш мақсадида “Ўқув вазифалари лойиҳалари” тўпламини яратиш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятига доир махсус семинар-тренинглар ташкил этиш, бошланғич таълим факультети талабалари учун “Ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишини уйғотиш ва билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув топшириқларини ташкил этиш технологияси” номли махсус курсини ташкил этиш ҳамда унинг дастурини ишлаб чиқиш, бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини бойитиш мақсадида “Ўқувчиларнинг билим олиш ва билиш фаолиятини ривожлантиришга қизиқишини шакллантирувчи дидактик имкониятлар” номли услубий қўлланмалар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида баён этилган хулосаларга таяниб, қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Бошланғич синф ўқитувчилари учун тизимлаштирилган ўқув вазифалари, бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган дидактик, мантикий ўйинлар танлаб олинган “Ўқув топшириқлари лойиҳалари” тўпламини нашр этиш зарур.

2. Ўқиш, рус тили, математика, табиатшунослик, тарих дарсликларини бошланғич синф ўқувчиларининг билимга қизиқишини шакллантирадиган, илмий билимлар билан бойитилишига ҳисса қўшадиган муаммоли ўқув топшириқлар билан бойитиш лозим.

3. Бошланғич синф ўқитувчиларининг малака ошириш курсларида “Ўқув топшириқларини ташкил этиш технологияси” деб номланган ўқув модулини яратиш зарур.

4. Бошланғич таълим факультети талабалари учун “Ўқувчиларларнинг билим олишга бўлган қизиқишини шакллантириш ва билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув топшириқларини ташкил этиш технологияси” номли махсус курсини ташкил этиш ва унинг дастурини ишлаб чиқиш керак.

5. “Ўқувчиларда билимга қизиқишни шакллантирувчи дидактик имкониятлар” номли услубий қўлланмаларни яратиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИМЕНИ ШАРОФА РАШИДОВА**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ЭЛЧИЕВА ДИНАРА ТОЛУБАЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИДАКТИЧЕСКИХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ
ФОРМИРОВАНИЯ ИНТЕРЕСА К ПОЗНАНИЮ У УЧАЩИХСЯ
НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии по педагогическим наукам(PhD)**

Самарканд – 2022

Тема докторской диссертации была зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан В.2020.1PhD/Ped.116.

Докторская диссертация была подготовлена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский и английский (резюме)) был размещен на веб-странице Ученого совета (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) и на информационном портале Ziyonet www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:

Ибраимов Холбой Ибраимович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
доктор педагогических наук, профессор

Хасанова Кибриё Хасановна
кандидат педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета под номером PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 по присуждению ученых степеней доктора наук (PhD) по педагогике при Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова в ___ часов «___» _____ 2022 года (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: kengash-pf@samdu.uz. Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова (зарегистрирована под № ___). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 г.
(Протокол № ___ от «___» _____ 2022 г.)

М.М.Махмудова
Заместитель председателя Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор педагогических наук, профессор

Ш.Р.Ураков
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
кандидат педагогических наук, доцент

Н.С.Шодиев
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор педагогических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В системе образования развитых стран мира сейчас широко используется опыт формирования интереса к познанию субъектов процесса на основе совершенствования дидактических возможностей, в том числе в таких странах как США, Германия, Франция, Англия. Высокая эффективность достигается в школах и классах с углубленным изучением отдельных предметов, направленных на формирование интереса к познанию учащихся за счет создания дидактических возможностей для обучения в начальной школе. Это, в свою очередь, отражено в концепции международного образования, определяемой международными организациями и большинством стран мира, определенными до 2030 года как «получение прочной основы знаний, развитие критического мышления, укрепление навыков и интересов сотрудничества».

Исследования ведутся по таким направлениям, как выявление дидактико-психологических условий и методов целенаправленного изучения дидактических возможностей, дидактическое изучение взаимосвязей процесса обучения и развития, совершенствование теоретико-методологических аспектов начального образования в мире, создание модели процесса использования инновационных методов в развитии базовых и научных компетенций учащихся, формирование интереса к познанию у учащихся младших классов. Показано, что создание модели педагогического процесса, направленного на совершенствование дидактических возможностей, формирующих интерес к познанию у учащихся начальных классов, этапов уроков, служащих для расширения интереса к познанию младших школьников в специальных дидактических процессах познавательного характера. Особое значение сегодня приобретают проблемы совершенствования определения критериев, которые определяют оценки формирования интереса к познанию младших школьников.

Сегодня в нашей стране особое внимание уделяется «Концепции начального образования» и расширению возможностей формирования интереса к познанию учащихся в учебных программах и учебных материалах для начального образования. В этом отношении в Стратегиях развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы определены приоритетные направления, включающие семь приоритетных направлений, одно из которых обеспечение духовного развития и поднятие данной сферы на новый уровень, что в свою очередь зависит от степени образованности и грамотности будущего поколения. Рассматривая процесс как дидактическую систему с исследовательской и аналитической направленностью, целесообразно проводить такие исследования, как категоризация дидактических возможностей, направленных на формирование интереса к познанию, совершенствование технологии организации этапов уроков, формирующих интерес к познанию у учащихся начальных классов.

Данное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, поставленных в Указах и Постановлениях Президента Республики

Узбекистан, в частности в Указе №УП-60 от 28.01.2022 г. «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», в Постановлении за №ПК -3931 от 5 сентября 2018 г. «О мерах по реализации новых принципов управления в системе народного образования», в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15 марта 2017 года за №140 «Об утверждении положения об общем среднем образовании» и в Постановлении за №187 от 6 апреля 2017 года «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования», а также в соответствующих нормативно-правовых документах.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Пути формирования системы инновационных идей и их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Проблемы формирования интереса к познанию и развития познавательной активности младших школьников в нашей стране были изучены и разработаны научно-методические основы учеными в различных областях, такими как Б.Адизовым, Г.Жумашевой, Р.Ибрагимовым, М.Махмудовым, М.Махмудовой, Т.Махмудовым, У.Мусаевым, Г.Наджмиддиновой, Р.Нуржановой, О.Розиковым, Р.Сафаровой, Н.Шодиевым, а психологические основы познавательной деятельности М.Г.Давлетшиным, З.Курбаниязовой, Р.Ю.Тошимовым, Э.Гозиевым и др. Философские аспекты духовно-просветительского образования изучались учеными различных направлений и разрабатывались научно-методические основы У.Алеуовым, Ж.Базарбаевым, Т.Жиёмуратовым, А.Пазыловым, Б.Султанмуратовым, Р.Сейтимбетовой, А.Тилегеновой, Ж.Урумбаевой, Т.Утебаевой .

